

ISSN: 2687-0142

ИНТЕРНАУКА

НАУЧНЫЙ
ЖУРНАЛ

часть 2

36(259)



internauka.org

г. Москва

ИНТЕРНАУКА
internauka.org

«ИНТЕРНАУКА»

Научный журнал

№ 36(259)
Октябрь 2022 г.

Часть 2

Издается с ноября 2016 года

Москва
2022

Содержание

Статьи на русском языке	5
Экономика	5
ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО ВАЛЮТНОГО РЫНКА. ОСНОВНЫЕ МИРОВЫЕ ВАЛЮТЫ Аррыкова Гульджемал Керимназаровна Назарова Огулженнет Меретгельдиевна Хыдырова Джахан Меретгельдиевна Чарыева Ширин Реджепмурадовна	5
АНАЛИЗ ОТЧЕТА О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ НА ПРИМЕРЕ ООО «АВРОРА» Вязников Илья Олегович Колодяжная А.Ю.	7
РИЭЛТЕРСКИЙ БИЗНЕС КАК ФОРМА ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СИСТЕМЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ Искандаров Ренат Рамилевич	10
ОСОБЕННОСТИ УЧЕТА ОБОРОТНЫХ СРЕДСТВ НА ПРОИЗВОДСТВЕННОМ ПРЕДПРИЯТИИ Кичигулова Шемшат	12
ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ РЕКЛАМНОЙ КАМПАНИИ В ИНТЕРНЕТЕ Коваленко Анастасия Евгеньевна	14
ИНВЕСТИЦИИ В БАНКОВСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ Кочумова Акнур Гулгельдиевна Реджепова Гулнар Оразмаммедов Меретли Суханбердиев Гурбанназар	16
НАЛОГОВАЯ ПОЛИТИКА И ЕЕ ЦЕЛИ Кочумова Акнур Гулгельдиевна Нурмухаммедова Медине Пигамова Гурбансолтан Мухамметдурдыева Айджемал	18
РАЗВИТИЕ СЕВЕРНОГО МОРСКОГО ПУТИ И ЕГО РОЛЬ ДЛЯ КАМЧАТСКОГО КРАЯ Лаптев Максим Владиславович	20
МЕЖДУНАРОДНАЯ ТОРГОВЛЯ Сейитниязова Гунеш Нурлыева Хатыджа Тагиева Багуль	22
ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВОЙ ПОЛИТИКИ ОРГАНИЗАЦИИ. ОСНОВНЫЕ ПРИЗНАКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФИНАНСОВОЙ ПОЛИТИКИ Серета Виктория Васильевна	24
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДОКУМЕНТАЦИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОЦЕССА УПРАВЛЕНИЯ ФИНАНСОВЫМИ РЕСУРСАМИ ДЛЯ ЦЕЛЕЙ УКРЕПЛЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ Серета Виктория Васильевна	26
ДОКУМЕНТАЦИОННОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРОВОДИМОЙ ФИНАНСОВОЙ ПОЛИТИКИ ПРЕДПРИЯТИЯ Серета Виктория Васильевна	29
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ ДЕНЕЖНЫМИ ПОТОКАМИ ПРЕДПРИЯТИЯ В РАМКАХ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ПЛАТЕЖЕСПОСОБНОСТЬЮ Третьякова Ульяна Владимировна	31
Юриспруденция	34
ПРОБЛЕМА НАРУШЕНИЯ БАЛАНСА ИНТЕРЕСОВ СТОРОН В ДОГОВОРЕ ЛИЧНОГО СТРАХОВАНИЯ Ворошилов Илья Игоревич	34

МЕХАНИЗМ ВОЗНИКНОВЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ДОРОЖНО-ТРАНСПОРТНЫХ ПРОИСШЕСТВИЙ Егорова Светлана Геннадьевна	36
К ВОПРОСУ ОБ ОСОБЕННОСТЯХ НОРМ УГОЛОВНОГО КОДЕКСА РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ, РЕГЛАМЕНТИРУЮЩИХ НАСИЛЬСТВЕННЫЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ПРОТИВ ПОЛОВОЙ НЕПРИКОСНОВЕННОСТИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ЛИЦ Лучинин Николай Павлович	39
НАСЛЕДСТВО Миροнова Каролина Петровна	44
ОСОБЕННОСТИ МЕР ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ИСКА В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ: ПРОБЛЕМЫ ПРИМЕНЕНИЯ Москалева Татьяна Александровна Онищук Елена Юрьевна	46
ПРИГОВОР КАК ИТОГОВЫЙ ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ АКТ УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА Пушкарева Маргарита Владимировна	48
УГОЛОВНО-ПРАВОВАЯ ОЦЕНКА ДЕЯНИЙ ЭКСТРЕМИСТСКОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ В СЕТИ «ИНТЕРНЕТ» Дмитриева Анна Александровна Сыченков Даниил Александрович	52
ЭТАП СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКИ ПО ПРЕСТУПЛЕНИЯМ ЭКСТРЕМИСТСКОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ Дмитриева Анна Александровна Сыченков Даниил Александрович	54
ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ КРИПТОВАЛЮТЫ В РОССИИ Ходжаева Наргиза Имомназаровна	56
ПРОБЛЕМЫ ЗАЩИТЫ КРИПТОВАЛЮТЫ КАК ОБЪЕКТА ГРАЖДАНСКИХ ПРАВ В РОССИИ Ходжаева Наргиза Имомназаровна	59
O'zbek tilida maqolalar	62
Tibbiyot va farmakologiya	62
САЛҚИН ИЧИМЛИК СУВЛАРИ ТАРКИБИДАГИ РАДИОНУКЛИДЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА ГИ- ГИЕНИК МЕЪЁРЛАР БИЛАН СОЛИШТИРИШ Абдукадирова Лола Кабуловна Абдуазимова Садоқат Дилшод қизи Комолова Юлдуз Улуғбек қизи	62
Pedagogika	64
SUQROT METODI INTERFAOL TA'LIM USULI OLARAK Avdeyeva Anna Nikolayevna Nigmatova Dilnoza Islomovna Ablyalimov Oleg Sergeyevich	64
TA'LIMDA INNOVATSION FAOLIYAT Mang'itbaeva Zayfun Uzakbaevna	67

O'ZBEK TILIDA MAQOLALAR

TIBBIYOT VA FARMAKOLOGIYA

САЛҚИН ИЧИМЛИК СУВЛАРИ ТАРКИБИДАГИ РАДИОНУКЛИДЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА ГИГИЕНИК МЕЪЁРЛАР БИЛАН СОЛИШТИРИШ

*Абдукадирова Лола Кабуловна**Тошкент тиббиёт академияси,
Атроф муҳит гигиенаси кафедраси, т.ф.н., доцент,
Ўзбекистон, Тошкент**Абдуазимова Садоқат Дилиод қизи**Тошкент тиббиёт академияси,
Атроф муҳит гигиенаси кафедраси магистри,
Ўзбекистон, Тошкент**Комолова Юлдуз Улугбек қизи**Тошкент тиббиёт академияси,
Атроф муҳит гигиенаси кафедраси магистри,
Ўзбекистон, Тошкент*

АННОТАЦИЯ

Олиб борилган тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати радиология бўлими лабораторияси архив материалларига асосланиб ичимлик сувлари ва шу жумладан кадокланган ичимлик сувлари таркибидаги радионуклидларни аниқлаш ва аҳолининг ички нурланиш даражасини назорат қилиш мақсадида амалга оширилди. Қадокланган ичимлик сувларидаги радионуклидларнинг рухсат этилган даражалари ва уларга қўйилган меъёрлар СанҚваМ №0366 “Гигиенические нормативы безопасности пищевой продукции” ҳужжатга таққосланди. Олинган натижалар таҳлиliga қўра текширишлар олиб борилган бешта МЧЖ корхоналари ишлаб чиққан кадокланган ичимлик сувларида мавжуд бўлган бета–нурланишли нуклидлар СанҚваМ №0366-19 “Гигиенические нормативы безопасности пищевой продукции” ҳужжатидаги рухсат этилган дозадан (РЭД) ҳеч бир ҳолатда ошмаганлигини аниқланди.

ABSTRACT

The study was carried out on the basis of archival materials of the Laboratory of Radiology of the Service of Sanitary and Epidemiological Surveillance and Public Health of the Republic of Uzbekistan with the aim of detecting radionuclides in drinking water, including bottled drinking water, and monitoring the level of internal radiation population. The permissible levels of radionuclides in bottled drinking water and the norms established for them were compared with SanPin No. 0366-19. Based on the analysis of the results, it was found that beta-irradiated nuclides present in bottled drinking water produced by five LLC did not exceed the allowable dose in SanPin No. 0366-19. (MPC-30 Bk kg4 (14) Results -4.0-18.7 Bk kg4 (14)).

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасидаги шаҳарлар ва шаҳар туркумига кирувчи аҳоли яшаш пунктлари аҳолисининг марказлашган турдаги сув таъминоти 78-98% ни ташкил этса, қишлоқ аҳоли яшаш жойларида бу кўрсаткич ўртача 48%-52% га тенгдир.

Марказлашган сув таъминоти (сув тарқатиш тармоғи) аҳолини сув билан таъминлашдаги энг яхши усул ҳисобланади, чунки агар маҳаллий сув тарқатиш таъминоти тизимида аҳоли сувни бевосита манбанинг ўзидан ҳеч қандай тозалаш ишларини амалга оширмай истеъмол қилса, марказлашган сув таъминоти тизимида сувни манбадан олиш, тозалаш, зарарсизлантириш ва уни истеъмолчигача етказиб бериш босқичлари орқали амалга оширилади [1].

Республикамизда марказлашган сув таъминоти 257 та аҳоли яшаш пунктларида мавжуд бўлиб,

баъзи бир қишлоқ жойларидаги аҳолининг сув таъминоти 0 дан 40% гача эканлигини аниқлаш билан эътироф этамиз ҳолос.

Республикамизнинг Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, ҳамда Самарқанд вилоятининг ғарбий қисми, Жиззах, Қашқадарё, Сурхандарё вилоятларидаги аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш ҳақидаги масалада ҳанузгача қўплаб муаммолар юзага келиб турибди. 2000 йилдан бошлаб Республикамиздаги шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида Давлат Дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ана шу ўтган вақт мобайнида 13,5 минг км сув тарқатиш қувурлари (асосан Орол олди минтақасида) етказилиб ишга туширилган. Аммо Дастурга мувофиқ 2005 йилгача коммунал хизмат тизимидаги сув тарқатиш тармоқларининг

куватини 7дан 20 млн км³/кун гача қўпайтириш режалаштирилган, шунинг учун аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни амалга ошириш учун жуда катта ҳажмдаги ишларни бажариш лозим бўлади. У вазифани тўлиқ амалга ошириш орқали сув таъминотини гигиеник меъорларгача оширишга имконият яратилади. Бу эса ўз ўрнида аҳоли яшаш пунктларини коммунал ободонлаштирилганлик даражаси билан чамбарчас боғлиқдир [2].

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қадокланган газли ва газсиз сувлар, яхна ичимликлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Чанқовбосди ичимликларни ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмолга чиқаришда санитария қоидаларига риоя қилинсагина инсон учун хавфсиз ҳисобланади. Яна бир муҳим жиҳат – улар таркибдаги радионуклидларнинг рухсат этилган меъеридан юқори бўлиши аҳоли ўртасида ички нурланиш ҳолатига сабаб бўлиши мумкин.

Ишмининг мақсади. Биз олиб бораётган тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг радиология бўлими лабораториясини архив материалларига асосланиб ичимлик сувлари ва шу жумладан қадокланган ичимлик сувлари таркибдаги бета-радинуклидни аниқлаш уларни сифат даражасини белгилаш ва аҳолининг ички нурланиш даражасини назорат қилиш мақсадида амалга оширилди.

Қадокланган ичимлик сувларидаги радионуклидларнинг рухсат этилган даражалари ва уларга қўйилган меъерлар СанҚваМ №0366 “Гигиеническые нормативы безопасности пищевой продукции” хужжатга таққосланди.

Олинган натижалар таҳлили. Тадқиқот ишларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг радиология бўлими лабораторияси архив материалларига асосланиб, текшириш учун олиб келинган қадокланган сувлардан олинган намуналарининг синов баённомалари (№ Д-361) ўрганиб чиқилди. Синов учун:

- "SILVER VATER" газланмаган табиат-ичимлик суви, "Silver Vater" (0,5 л);
- «Montella Daily» газланмаган тозаланган ичимлик суви, "Navruz International Corp", Ўзбекистон (0,5 л);
- “BonAqua” газланмаган ичимлик суви, "Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston Ltd" МЧЖ, Ўзбекистон (0,5 л);

Адабиётлар рўйхати:

1. Зарединов Д.А. Исследование и оценка радиационной безопасности питьевой воды Юго-западного Гиссарского региона Республики Узбекистан.// Келажак тиббиёти ва жамоат саломатлиги тизимининг ютуқлари. Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазасининг долзарб муаммолари. Халқаро конференция. 12-13 июн 2019. 433-435 б.
2. Подготовка проб природных вод для измерения суммарной альфа- и бета-активности. Методические рекомендации ВИМС. Утверждена. Нач. Центра метрологии ионизирующих излучений ГП ВНИИФТРИ Госстандарта РФ - В.П. Ярына. 28.02.07.

• «Hydrolife» газланмаган, артезиан, тоғ-ичимлик суви, “HYDROLIFE BOTTLERS” МЧЖ, Ўзбекистон (0,5 л).

МЧЖ қорхоналари ишлаб чиққан маҳсулотларнинг ҳар бирдан текшириш учун 10 тадан жами 5 та номдаги 50 дона қадокланган газсиз ва газлантирилган ичимлик сувларида бета-нурланишли нуклидларини “Бета” радиометрлари билан текширилган. Олинган намуналарни текшириш баёнига асосан олинган намуналар санаси 2020 йилнинг ёз-қуз ва 2021 йилнинг баҳор фаслларига тўғри келади. Текшириш ишлари олиб борилаётган вақтда радиология лабораториядаги намлик ва ҳарорат ўлчанганда намлик ўртача 78%, хона ҳавоси ҳарорати эса 20-24⁰С эканлиги баённомада қайд этилган.

Олинган натижалар СанҚваМ №0366-19 “Гигиеническые нормативы безопасности пищевой продукции” хужжатидаги РЭД билан солиштирилиб баҳоланди. Санитар қоида ва меъерий хужжатларга кўра алкоғолсиз ичимликлар, салқин ва яхна ичимликлар (Сола, фанга, дучесс ва бошқалар) учун радионуклидлар РЭД - 30 Бк кг⁴ (л⁴) деб белгиланган, қучсиз алкоғол ичимликлар (қвас,пиво,мусаллас) учун-100 Бк кг⁴ (л⁴), ичимлик концентратлари (консервантлар, қуйилтирувчи моддалар, пектин, агар, желатин) учун эса -370 Бк кг⁴ (л⁴) меъёр деб белгиланган.

Синов баённомалари ўрганилар экан -"Navruz International Corp" МЧЖ ҚҚнинг «Montella Daily» газланмаган тозаланган ичимлик суви ҳамда "Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston Ltd" МЧЖ, Ўзбекистон (0,5 л) “BonAqua” газланмаган ичимлик суви таркибда 4,0-18,7 Бк кг⁴ (л⁴) нуклидлар борлиги аниқланди.

“HYDROLIFE BOTTLERS” МЧЖ (0,5 л)нинг «Hydrolife» газланмаган, артезиан, тоғ-ичимлик суви, "SILVER VATER" МЧЖ, (0,5 л) "Silver Water" газланмаган табиат-ичимлик суви, таркибда эса нуклидлар миқдори 22,8 Бк кг⁴ (л⁴) тенглиги ўрганилди.

СанҚваМ №0366-19 ва ушбу хужжатга қўшимча гигиеник нормативларда алкоғолсиз ичимликлар (газланган ва газланмаган қадокланган ичимлик сувлари) учун РЭД 30 Бк кг⁴ (л⁴) деб белгилаб қўйилган миқдордан ошмаганлиги маълум бўлди.

Хулоса. Архив материалларини текширув натижаларига асосланиб қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин: ҳар бешта МЧЖ қорхоналари ишлаб чиққан маҳсулотларидаги мавжуд бета-нурланишли нуклидлари текширув натижалари СанҚваМ №0366-19 хужжатидаги РЭДдан ҳеч бир ҳолатда ошмаганлигини аниқланди.